

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

№ 17 0091
Либх шекер көб үйнел маддөлч

**Улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш
Шартномаси**

2022 йил "21" ой 17081 -сон

Хива шаҳар
(шартнома тузилган жой)

Истеъмолчининг шахсий хисоб-раками:

1	7	0	0	9	1
---	---	---	---	---	---

"Хордум электр тарбениари" АЖ Хива
туман (шахар) электр таъминоти корхонасида 2022 йил " " да
рўйхатдан ўтказилган _____ –сон ишончиома асосида фаолият юритувчи раҳбари
Муҳаммад Шукриев
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда
иккинчи томондан Улгуржи истеъмолчи (кейинги ўринларда Истеъмолчи деб
аталади)

Хива шаҳар насб ҳунар мактаби
(хўжатлик юритувчи субъектининг тўлиқ номи)
раҳбари Магнажон Боксоев
(хўжатлик юритувчи субъект раҳбарироғиң экан ишончли вактигининг ФИШ)

билин Шартномани куйидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармок оркали етказиб бериши ва Истеъмолчи истеъмол килинган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив энергияси _____ кВт/соат;

реактив энергияси _____ кVar/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кунидаги тахминий нархи _____ сўмни, тариф бўйича _____ сўмни ташкил этади. Тариф турлари _____.

табакказалитирилган, бир ставкази, аҳоли нархи ва бошқалар (тегишлелиси ёзилади)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истеъмолчи билан белгиланган ва олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлаши шарт (7-илова).

2.4. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳак тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга

олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини иnobатга олинган холда аникланади.

2.5. Истъемолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошка воситалари (ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар ва бошқалар) истъемолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади. Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини хисобга олиш электрон приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат киёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш асбоблари Таъминотчи корхона маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истъемолчининг айби билан бузилган таклирда (ток ва кучланиши ўлчаш трансформаторларининг ишдан чикиши, шунингдек, иккиласми коммутация, хисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) хисобга олиш назорат килини асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни алмаштириш, таъмирлаш, давлат киёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истъемолчи томонидан улар киймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган холда, Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

II. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табакалаштирилган, ўсиб борувчи, камаювчи коэффициент кўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган Истъемолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истъемолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истъемол қилинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз давр – сутканинг ёргу вактида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги давр – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истъемолчиларга кўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истъемолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергияни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади ҳамда тегишли равишда истъемол қилинган (хосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар/соат учун тўлов тарзida ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иктиносидий кийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктиносидий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўринатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеммолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан З баробар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб Истеммолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўринатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеммолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда истеммол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеммолчи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тутагандан сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда) ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-илювасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеммолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакт бўйича ўз кўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси оркали тақдим этилган ҳисобот ҳам истеммол қилинган амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеммолчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭҲНАТ деб аталади) жорий этилган истеммолчиларда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеммолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеммолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб хақ тўлашга маъбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеммолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб

чикилади ва Таъминотчи корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргалиқда хисобга олиниади.

3.6. Истемолчига электр энергияси етказиб бериш 70 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭҲНАТга уланган ёки олдиндан ҳак тўлаш қурилмаси ва хисобга олиш приборига эга бўлган Истемолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истемолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килганлари тақдирда электр энергияси истемолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳак тўланмаган хамда 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаётган истемолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур Истемолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истемолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ишида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истемолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

Таъминотчи корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади хамда Истемолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон раками имзо билан тасдикланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар маҳсус дастурий маҳсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса хисоб-фактура ва тўлов хисоб-вараги ёзма шаклда бералади.

(Асос: Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварак-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чора-таёббирлари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг З-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истемолчи билан биргалиқда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб худудий электр тармоқлари корхонасининг ва истемолчининг хисобига ўтказилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истемолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланаб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истемолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истемолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, Истемолчи тармоқларидаги электр энергияси

технологик сарфининг бир кисми, Истемолчининг электр тармогига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармогига истемолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи түғрисидаги хисобот Истемолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истемолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истемолининг ўртача суткалик амалдаги микдори түғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истемол килинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб килинади. Қайта хисоб-китоб Истемолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истемолчининг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки Истемолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истемолчининг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг ҳолати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик килиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истемол килганда, Истемолчидан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истемол килинган электр энергияси жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

Истемолчининг электр энергияси хақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пењя бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истемолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истемол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб оидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истемолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пењя хисоблаб ёзилади. Бунда пењанинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истемолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш датолатномасини тузади.

3.14. Истемолчини куйидаги холларда электр тармоқларидан узилади:

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг конуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

Хисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-соили Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)ини бузишнинг бошка ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл кўймаслик ва истеъмолчилик тартибсиз узуб кўйилишининг олдини олиш максадида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вактини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоатларни ёриттичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб кўйиши талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг конуний кучга кирган карорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фукаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, факаттана суднинг конуний кучга кирган карорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини конун хужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун карздор бўлган Истеъмолчига карзни беш кун ичида тўланиши хақида хабардор қилишини таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор карздорлик учун тармоқдан узуб кўйиш ва уларни кайтадан улашни конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида хақ ундирилади. Бунда, ЭҲНАТга уланган ҳамда хисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқини курилмасига эга бўлган истеъмолчилик тармоқларига қайта уланиши учун хақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўргасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш максадида фойдаланувчи идоравий ва муниципиал уй-жой фонди, юридик шахслар ёткxоналари, диний ташкилотлар ва оиласий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланадиган локал қозонхоналарга майний истеъмолчилик тармоқларига белгиланган тариф кўлланилади.

3.19. Электр энергиясини хисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошка жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини хисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини хисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, хисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутмасига (бўлмасига) ташқаридан

таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул килгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўтиранган холларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қоидани бузин далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истемолчини электр тармоғидан узиб кўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг киймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истемолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул килгичларнинг уланган куввати бўйича кўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат килиш асбобларидан ташқари электр қабул килгичлар кўз билан аниклаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж килиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охирги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бирок дъаво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истемолчининг айби билан зарап етказилганда (пломбаси бузилишига йўл кўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниклаш мумкин бўлган бошқа усулда ўтиранган тақдирда – охирги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бирок дъаво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдори кийматини ҳисоб-китоб килишда қоида бузин аникланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилаётган вактдаги тариф кўлланилади. Бунда I тариф гурухидаги Истемолчилар учун ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг киймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал киладиган тариф бўйича ҳисоб-китоб килинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истемолчининг айбисиз вактинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг карори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига кадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртacha суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб килиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичидага ҳисобга олиш тикланниши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўклиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истемолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб килиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истемолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишида Истемолчи томонидан йўл кўйилган қоидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истемолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истемолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Коидаларни бузган Истемолчи электр курилмалари тармоқдан узиб кўйилади.

Истемолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, қоида бузин далолатномасида истемолчини таништирганилик тўғрисида белги кўйилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истемолчи куйидаги хукукларга эга:

Истемолчининг электр курилмаларини Таъминотчи корхона электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаши;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиши;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истемол киладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиши. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида худудий электр тармоклари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган заарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда стказилган заарни қоплашни талаб килиш;

электр таъминоти шартномасини тузинда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (mansabdor шахсга) мурожаат килиш.

Истемолчи конун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга ҳам эга,

4.2. Истемолчи куйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истемол килиши режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вактида хақ тўлаш;

ишлатилаётган электр курилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истемолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, худудий электр тармоклари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар килиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; “Ўзэнергоинспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини хисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун худудий электр тармоклари корхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжини аниқлашда электр энергиясини электр тармокларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун

электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистеммолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭҲНАТда мукобил (соз ҳолда) ишлашига тўскинилик килиши амалдаги Конун ва бошка меъёрий хукукий хужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Тайминотчи корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳакида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакиқадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жихатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгарилиши) ва янги техника жорий этилишига караб кайта кўриб чиқиши;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳдил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва истроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр тайминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш максадида (маҳсулот ишлаб чиқарининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиши ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини тайминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Тайминотчи корхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. Тайминотчи корхона қуйидаги хукукларга эга:

истеъмолчилардан электр тайминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

